

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 778-ҳадис

778 – عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَهَى عَنِ النَّفْخِ فِي الشَّرَابِ، فَقَالَ رَجُلٌ: الْقَدَاةُ أَرَاهَا فِي الْإِنَاءِ؟ فَقَالَ: «أَهْرِقْهَا» قَالَ: إِنِّي لَا أُرْوَى مِنْ تَفْسٍ وَاحِدٍ؟ قَالَ: «فَأَبِنِ الْقَدَحَ إِذَا عَنِ فَيْكَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ [1887].

778. Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ичимликка пуфлашдан қайтардилар. Шунда бир киши: «Идишга тушиб қолган нарсани кўрсам-чи?» деди. У зот: «**Олиб ташла**», дедилар. У киши: «Мен бир нафасда ича олмайман», деди. У зот: «**Ундоқ бўлса, қадаҳни оғзингдан узоқлаштир**», дедилар».

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис дедилар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам таомланиш маданиятини қанчалик меҳнат ила жорий қилганларининг ёрқин намунасини кўриб турибмиз. Ҳар бир нарсани айтиб-тушунтириш, турли саволларга чидам билан жавоб бериш лозим бўлган экан. Аввал У зот ичиш одобларидан бирини саҳобаларга баён қилмоқдалар:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ичимликка пуфлашдан қайтардилар».

Аммо, бу қайтаришни эшитиш билан ҳамма шундоқ қилмаслигимиз керак экан деб кетавермади.

Бас, бир киши:

«Идишга тушиб қолган нарсани кўрсам-чи?» деди».

Яъни, сиз идиш ичига пуфламанглар демоқдасиз, аммо, бир ичимликни ичмоқчи бўлиб оғзимга олиб борсам, идишда, ичимлик устида бир нарса турган бўлса, пуфлаб юбориш керак бўлади-ку? Бу саволга жавобан:

«Олиб ташла», дедилар У зот».

Яъни, ўша нарсани ҳам пуфлама, балки олиб ташла. Сўровчида яна бошқа савол пайдо бўлди ва у ўша саволни ҳам берди:

«Мен бир нафасда ича олмайман», деди.

Яъни, мен идишдаги ичимликни бир нафас билан охиригача ичиб битира олмайман. Орада нафас олишим керак бўлади. Орада нафас олсам, идиш ичига пуфлашим керак бўлади. Бунга нима дейсиз? Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сабр билан бу масалани ҳам ҳал қилдилар:

«Ундоқ бўлса, қадахни оғзингдан узоқлаштир», дедилар».

Яъни, нафасинг етмай қолганда идишни оғзингдан узоқлаштириб, нафасингни ростлаб олиб, кейин ичишда давом этсанг, идиш ичига пуфлаш содир бўлмайди.

Одамнинг оғзидан чиқадиган нафасда турли кўзга кўринмас зарарли нарсалар, қўланса ҳид ва бошқалар бўлиши ҳозирги пайтда ҳаммага маълум бўлиб қолди.

Манба: hadis.islom.uz

